

Жиззах шаҳар

Жиззах вилояти автомобиль бош бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи ташкилот директори вазифасини бажарувчиси **Х.Рахматов** ва Янгиобод туман йуллардан фойдаланиш корхонаси (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона директори **З.Турдикулов** мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кўра ўз материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади. буюртмачи эса ишларнинг натижасини кабул килиб олиш ва бунинг учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган умумфойдаланувдаги давлат аҳамиятга эга бўлган куйидаги автомобиль йўларида саклаш ишларини бажариш мажбуриятини олади:

- 1) 4Р 34 "Жиззах ш.-Равот к.-Зомин к.-Сават к.-Ховост ш." автойули узунлиги 30 км, 72-102 кмлар оралиги
- 2) 4Р 34а) "-Хавотог" сихатгохига автойули узунлиги 8 км, 0-8 кмлар оралиги

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг машина-механизмлардан, ўзининг асбоб-ускуналари билан бажаради.

1.4. Пудратчи томонидан ишларни бажариш куйндаги жадвал асосида амалга оширилади:

Ишлар номи	Йул узун-лиги (км)	2022 йил (минг сумм)	1-чорак жами	шу жумладан		
				Январ	Феврал	Март
Саклаш ишлари	38	365 271,0	365 271,0	121 757,0	121 757,0	121 757,0
Шундан бошқарув аппаратини саклаш учун		236 625,0	236 625,0	78 876,0	78 875,0	78 874,0
Жами ККС		47 644,043	47 644,043	15 881,348	15 881,348	15 881,347

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади

### 2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **365 271 000**(Уч юз олтмиш беш миллион икки юз етмиш бир минг) сўмни ташкил киласди.

2.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш пудратчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. Мажбуриятларининг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи 10 (Ўн) банк куни давомида хар ойда пудратчига шартномада кўрсатилган режалаштирилган ойлик иш ҳажми 40% микдорида аванс бериш йўли билан тўловларини амалга оширилади. Кейинчалик ҳисобот ойининг якуни билан шартнома назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилади аванс тўловлари хар ой чегириб ташланган ҳолда амалда бажарилган ишларга ойма-ой молиялаштирилади.

3.2. Мазкур шартнома газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал киласди.

### 4. Тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Автомобиль йўллари ва йўл иншоатларини саклаш ишларини буюртмачи томонидан тасдикланган сметаларга мувоғик автомобиль йўлининг бутун узунлигига бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоатлари бўйича мунтазам равишда амалга ошириш.

4.1.1.1. Ер қўтармаси ва сув кетказиш тизими бўйича:

ажратилган минтакани, йўл четларини, нишабликларни ва ажратувчи тасмаларни мунтазам равишда озода ва тартибли саклаш, чиқиндилардан ва бегона буюмлардан тозалаш, текислаш;

кеシリгандан көлдикларни йигиштириб олган ҳолда ўтларни ўриб олиш ва буталарни кесиш, ножоиз ўсимликларни кимёвий усул билан йўқ килиш, йўл четларини чанг ва ифлосликлардан тозалаш;

сув кетказиш тизимини мунтазам равишда иш ҳолатида саклаш, йўл четидаги арикларни ва сув кетадиган зовурларни тозалаш ва киялаб текислаш, уларниң мустахкамланган жойлари нуксонларини тузатиш ёмғир

канализацияси, дренаж қурилмалари, кўприк ва кувурларнинг сув кириш-чикиш ўзанлари, тез оқар сув ўтказгичлар ва сув туширгичларнинг майда носозликларини бартараф этиш;

кўтарма ва ўймаларнинг нишабликлари носозликларини тузатиш ва текислаш (зарурият бўлса тупрок кўшган холда);

мустахкамланмаган йўл четларини киркиш, текислаш ва зичлаш, мустахкамланган йўл четларидаги бузилишлар ва шикастланишларни бартараф этиш;

белгиланмаган жойлардаги кириш ва чикиш жойларини тугатиш, ёзги трактор йўлларини куриш ва киялаб текислаш;

табий мухитни муҳофаза килишни таъминлаш чора-тадбирларини бажариш, автомобиль йўлларининг йўлолди тасмасини куриш ва белгилаш;

#### 4.1.1.2. Йўл тўшамаси бўйича:

йўл копламасини чикинди, чанг ва ифлосликлардан, кор, муздан мунтазам равишида тозалаш, бегона буюмларни йигиштириш, кум ва сирпанчикка қарши аралашмалар сепиш йўли билан автомобиль йўлларининг катнов кисми музгарчилиги ва сирпанчиклигини бартараф этиш, шунингдек битумнинг терлаши натижасида хосил бўлган сирпанчикликни бартараф этиш;

йўлларни чангизлантириш;

кабарикли ва кучсиз тупрокли йўл участкаларига караш (вактнинчилик тўсиш ва харакатни тартибга солиш, шчитлар, тахталар, шох-шаббалар ва бошка материаллар билан ёпиш, шунингдек зарурияти бўлмаганда уларни йигиштириб олиш);

локал карталар билан майда заррали юза катлам воситасида ёриклар ва ёрикларнинг тўрлари кучайишининг олдини олиш ва уларни тўхтатиш;

цемент-бетон копламалар плиталарининг парчаланган ва синган жойларини юза емирилишлардан таъмирлаш;

шагали, чакик тошли ва тупрокли копламаларнинг кесимини тўғрилаш;

#### 4.1.1.3. Сунъий иншоотлар бўйича:

кўпrik кўтармаси элементларини, фермаости майдончаларни, таянч кисмларни, оралик қурилмалар элементларини, тахта зиналарни, таянчлар, кувурлар, тоннеллар ва бошка иншоотларни чанг ва ифлосликтан тозалаш;

конуслар, нишабликлар, кўприкости ўзанларни, шунингдек сув ўтказиш кувурларнинг ўзанларини ва кувурлар устидаги кўтармалар нишабини тозалаш (шу жумладан, ўсимликлардан тозалаш);

тошкин сувларини ўтказиб юбориш, кор ва музни йифиштириб олиш, тозалаш иншоотларига караш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль йўллари ва иншоотларини сув тошкинидан химоя килиш, тикилиб колган жойларни тозалаш, тошкинга карши тадбирлар;

таянчлар ва оралик қурилмаларнинг метал конструкциялари элементларини кисман бўяш, нуксонли михпарчинларни алмаштириш, болтларни тортиш, металлдаги ёрикларни таъсир кўрсатмайдиган холатга келтириш, тўсинларнинг темир-бетон плиталар билан бирлашадиган жойларини ва ферма боғламларини тиклаш;

тоннеллардан хавфсиз фойдаланиш учун локал участкаларда тоннелларнинг шикастланган копламаларини ва сув кетказиш новлари, гидроизоляция, вентиляция ва ёритиш тизими, ёнгинни ўчириш, аварияга қарши ва бошка техник қурилмалар шикастланишларини бартараф этиш;

кўпrik кўтармасининг барча элементларини ҳамда кўтарма билан туташиб кетадиган зонани, фермаости майдончаларни, таянч кисмларни, оралик қурилмаларни, таянчларни, конуслар ва бошқарувчи иншоотларни, бориши жойлари ва тахта зиналарни кор ва муздан тозалаш;

#### 4.1.1.4. Автомобиль йўлларини жихозлаш ва харакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

белгиларга караш, шикастланган йўл белгиларини алмаштириш ва етишмаётганларини янгидан ўрнатиш;

автобус бекатларини, пиёдалар ўтиш жойлари, дам олиш майдончалари, йўл белгилари учун конструкциялар, тўсиклар, йўналтирувчи қурилмалар, шийпончалар ва уларнинг жихозлари элементлари, шунингдек шовкиндан химоя киладиган қурилмаларни бўяган холда озода ва тартибли саклаш, автомобиль йўлларини мейморий-бадиий безашнинг шикастланган айрим элементларини тузатиш, ушбу элементларга керакли тарзда караш, хожатхоналар, йўл-таъмирлаш пунктлари, йўл усталари уйларини тозалаш;

шийпончалар, ўриндиклар, паннолар ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда бўяган холда озода ва тартибли саклаш, ичимлик сув манбалари ва артезан қудуклар қазиши, уларни озода ва тартибли саклаш;

харакатни хисобга олиш пунктларини саклаш, тиклаш ва янгидан куриш, йўл конструкциясининг ва автомобиль йўли ишини ўрганиш учун зарур бўлган бошка қурилмаларнинг, автомобиль йўлини алоҳида элементлари ва иншоотларининг холатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс кийматига киритилган тарозида тортишни назорат килиш пунктларини, сув ўлчаш постларини, метеорологик пунктларни, об-хаво шароитлари ва харакат шарт-шароитлари мониторинги тизимини, технологик ва сигнал берувчи-чакиравчи алокани, кабель тармогини, шунингдек светофор объектларини, харакатни ташкил этиш воситаларини, харакатни диспетчер оркали ва автоматлаштирилган бошқариш воситаларини саклаш;

хизмат килиш муддатини ўтаб бўлган вертикал ва горизонтал йўл белгиларини, шу жумладан сунъий иншоотлар элементларидаги йўл белгиларини ўчириш, эскирганларини тиклаш ва янгидан чизиш;

йўл тўсиклари ва йўналтирувчи қурилмаларни тузатиш, автомобиль йўлини жихозлаш элементлари ва белгиларига караш;

автобус бекатлари, павильонлар, йўлкалар ва дам олиш майдончаларини кор ва муздан доимий равишида тозалаш.

#### 4.1.2. Ишларнинг натижасини ўз вактида буюртмачига топшириш.

4.1.3. Агар пудратчи ишларни бажариш жараённида шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чикишга йўл кўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниклангандар барча камчиликларни З (Уч) кун ичига текинга бартараф этиш.

4.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

4.1.5. Ишларни шахсан бажариш.

#### 4.2. Пудратчи кўйидаги хукукларга эга:

4.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган хак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларини тухтатиш, шартномани бекор килиш хукукига эга.

#### 4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.3.1. Пудратчидан ойлик ишлар тугалланганлиги хакида хабарнома олгандан кейин 3 (Уч) кун ичидаги ишларнинг натижасини кўриб чикиш ва қабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошка камчиликлар аникланганда, булар хакида пудратчига дархол хабар бериси.

4.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул килган пайтдан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун хак тўлаш.

#### 4.4. Буюртмачи кўйидаги хукукларга эга:

4.4.1. Ҳар кандай вактда пудратчининг фаолиятiga аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориши жараёни ва сифатини текшириш.

4.4.2. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий хисоб китобларидан аникланган камчиликлар натижасида Буюритмачига кайтариладиган маблаг ва бошка туловлар буйича мажбуриятларни уз вактида бажармаса, Буюритмачи ушбу маблагни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб колиши хукукига эга.

### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи шартномада кўзда тутилган хар бир ойда бажарилиши керак бўлган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 2 % микдорда жарима ва хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал киувучи фуқаролик конунчилиги меъёрларига мувофик кўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

### **6. Форс-мажор холатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган такдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик килиши тўғрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

### **7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон кадар музокарапар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокарапар йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилояти Иктисадий судида кўриб чикишга топширадилар.

### **8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлир ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши,

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайгандা.

8.4. Пудратчи қўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўкотилганда.

8.5. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳакиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага хукукшунос хулосаси ва тулов жадвали илова килинади.

## 10. Тарафларнинг маизиллари ва банк реквизитлари

### «Пудратчи»

Янгиобод ТИФК

(иш бажарувчи номи)

Адрес: Янгиобод тумани Баландчакир қўрғони.

Тел./факс \_\_\_\_\_

х/р 22626000504003203001

Банк номи: ТИФ Миллий банк Жиззах бўлими

МФО 00121

ИНН 202937923

ОКОНХ 42110

### «Буюртмачи»

Жиззах вилояти АЙББ

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Адрес: Жиззах ш. Пахтакор куч 10

Тел./факс 222-22-57

ш/х 304510860084017045162118001

ИНН 201988537

ОКОНХ 97400

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги

ЯФХ:23402000300100001010

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошкармаси хисоб китоб касса маркази

МФО: 00014

Жиззах вилоят газаначилик бўлинмаси

ИНН: 201122919



\_\_\_\_\_  
(имзо)

З.Турдикулов

Рахбар

М.Ў.

Хукукшунос



Х.Рахматов

Х.Тургунов